Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
29 декабрь, чоршанба
52 (116)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



• *Республика прокуратурасида*

МАҚСАД: АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ

Республика прокуратурасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга доир маҳаллий ҳокимликларга, улар ҳузуридаги доимий ишлайдиган ишчи комиссияларга, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га, ўзини ўзи бошқариш органларига, тегишли инспекцияларга, банк, солиқ, молия, статистика, ишлаб чиқариш фаолияти ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, деҳқон ва фермер хўжаликларга, уларнинг ҳудудий уюшмаларига Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунлари ҳамда шартнома интизоми талабларининг аниқ ва бир хилда ижросини таъминлаш ва ҳуқуқий кафолатланиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят прокурор ўринбосарлари, умумий назорат бўлим бошлиқлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, статистика, солиқ, молия, банклар, «Пахтасаноатсотиш», «Ўздонмаҳсулот», «Мевасабзавотсотишхолдинг», Ер ресурслари Давлат қўмитаси ва бошқа тегишли идораларнинг раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимлари иштирок этдилар. Семинар-йиғилишни Республика Бош прокурори ўринбосари Б.Бекмирзаев бошқарди ва маъруза қилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, ерга ва деҳқонга муносабат ўзгарди. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга доир Вазирлар Маҳкамасининг кўплаб қарорлари қабул қилинди.

- Бу соҳага оид Фармонлар ва қонунлар ижроси қандай таъминланаяпти? Бу борада қандай муаммолар бор? Семинар йиғилишимизнинг мавзуси ана шунга қаратилмоғи керак, - деди ўз сўзида Республика Бош прокурорининг ўринбосари Бурхон Бекмирзаев. - Ўзингизга маълумки, юртимизни дунёнинг кўпгина давлатлари аграр мамлакат сифатида яхши билишади. Бу соҳада қўлга киритган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Ютуқлар ўзимизники, уни ҳеч ким инкор қилмайди. Муаммолар ҳақида тўхталадиган бўлсам, текшириш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойлардаги кўпгина деҳқон ва фермер хўжаликлари давр талаблари даражасида фаолият кўрсатмаяпти. Энг ачинарлиси, хўжаликлар ва фермерлар ўртасидаги шартномалар пишиқ-пухта ва қонуний тузилиши таъминланмаяпти. Натижада кўпчилик ҳолларда хўжаликлар чув тушмоқда. Шартнома интизоми, мажбуриятлар бажарилиши устидан назоратда бурилиш ясаб, уни кундалик вазифамизга айлантиришимиз шарт. Шартнома мажбуриятларини бузиш тўғрисидаги ҳар бир аниқланган факт атрофлича муҳокама қилиниши ва унга йўл қўйган раҳбар ёки шахслар амалдаги қонунларга биноан қонуний жазосини олмоғи керак.

Музокарада қатнашган Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Муродов, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси 1-ўринбосари Э.Курбонов ва бошқа тегишли вазирлик, қўмита ва идораларининг масъул ходимлари ҳам хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий муносабатларда мавжуд қонунларга риоя этмаётганлигига алоҳида эътиборни қаратди. Семинар йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбир-ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

• *Янгийилнома*

ТЎҒРИ СЎЗНИ ЎҚУВЧИ АЙТАДИ

Умримиз варағидан яна бир йилни олиб, тарих саҳифасига, ўтган кунларга узатиб қўймоқдамиз. Ва қутлуғ Янги йил остонасида туриб, одат бўлиб қолганидек, қандай яшадик, дея ўзимизга ўзимиз ҳисоб берамиз.

Аслида ҳаёт деганлари синов йўлидан иборат бўлади. Ва биз ҳаёт имтиҳонидан қандай ўтдик, десак тўғрироқ бўлар экан.

— Мен келгуси йил учун ҳам севимли газетамиз «Ҳуқуқ»қа обуна бўлдим, - деб ёзади биз учун юқоридаги саволга жавоб берар экан қашқадарёлик газетхон Лапас Алимов. Сурхондарёлик Кимёхон Гелдиёрова, қашқадарёлик Ч.Деҳқонов, сирдарёлик А.Мустафоқулов ва К.Шарофбоев, тошкентлик К.Эгамқулов, Ю.Рустамов каби кўплаб газетхонлар ҳам таҳририятга хат йўллаб бу фикрни тасдиқлайдилар. Биз 1999 йилнинг биринчи ярмида 24 мингдан ошиқ газетхон билан ҳамкорлик қилган бўлсак, иккинчи ярим йилда 14 минг атрофида хонадонга «Ҳуқуқ» газетаси кириб борди.

«Қонун ҳимоясида» журналимиз муштарийлари ҳам айнан ана шу ҳисобни такрорлайдилар.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган «отахон» нашрларга нисбатан олганда бу биз учун катта ютуқ, албатта. Шунинг учун биз янги йилда ҳам ўқувчилар сонини ушбу даражада сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратдик. Ҳали йилнинг сўнгги натижалари чўтга солинмоқда. Бироқ дастлабки ҳисоб-китоблар таҳририят ўз мақсадига эришганидан далолат беради.

Байрам арафасида биз билан 2000 йилда ҳам ҳамкорлик қилаётган газетхон ва журналхон дўстларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Сиз оддий ўқувчи эмассиз. 16 февраль воқеалари рўй берганида сотқинларга қарши нафратингизни қалқон, жасоратингизни байроқ қилиб мустақиллик сафларини мустаҳкамлаган сизлар эдингиз.

Сиз шунчаки ўқувчи эмассиз. Қора кучлар — тинчлигимиз ва эркинлигимиз душманлари Боткент томондан озодлигимизга кўз тикканида сизнинг метин сафларингиз уларнинг йўлини тўсди. Бир ҳовуч ватанфурушлар Янгиободда тинчлигимизни мўлжалга олганида нафратингиз ўтида яксон бўлди. Сизнинг тимсолингизда ёш Ўзбекистон давлати ўзини ўзи ҳимоя қила олишига жумлаижаҳон яна бир бор иқрор бўлди.

Ғалла мустақиллигини таъминлаётган ва жаҳон пахта бозорида ўз сўзини айтаётган миришкор деҳқонлар орасида ҳам, қимматбаҳо олтин, газ ва нефть қазиб олаётган кончилар қаторида ҳам ўз ўқувчиларимизнинг борлиги бизни чинакам қувонтиради.

Дунё кезиб юрган ўзбек ишбилармонлари, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда фидойилик кўрсатаётган замондошларимиз бизнинг ўқувчиларимиздир.

Улар газетамиз ва журналимизнинг ҳар бир сонини гоят синчковлик билан ўқиб, ютуқларимиздан қувонишади, камчиликларимизни биргаликда бартараф этиш учун сидқидилдан кўмаклашадилар.

Прокуратура ходимларининг, ҳуқуқшунос дўстларнинг муштарийларимиз орасида алоҳида ўрин эгаллашини бугун мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Маҳаллаларда ва ўқув юртларида, турли ташкилот ва корхоналарда нашрларимизни тарғиб ва ташвиқ этиб юрган прокурор-терговчиларнинг ўзлари айни пайтда энг чапдаст муаллифларимиз эканлигини ўқувчиларимиз яхши билишади.

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бугунги мавқеи ва мартабасига елкадош бўлган прокурор-тергов ходимларига ҳам янги йил арафасида барча муштарийларимиз номидан самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Агар газета ва журналнинг мақсади маърифат тарқатиш эканини эътиборга олсак, ул офтоб хонадонингизни чароғон, дилингизни обод айласин, азизлар!

Ишонч ва эътибор айни пайтда масъулият ҳамдир. Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳам, олдимизда турган Президент сайлови ҳам халқимизни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда катта мактаб ролини ўтайди. Бу мактабнинг мавқеи жуда баланд. Таҳририят ана шу даражада маҳкам туриш учун биринчи навбатда яна ўз муштарийларига таянади. Янги йилда ҳам рост сўзни ўқувчи айтади. Энг одил хулосани ҳам ўқувчи чиқаради, деган тамойил фаолиятимизнинг мезони бўлиб қолади.

• *Муассис минбари*

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар прокурори М.НАИМОВнинг «Ҳуқуқ» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

— Мэлс ака, Янги йил арафасида ўтаётган йилга назар ташласак. У аввалги йиллардан нимаси билан фарқ қилади? Йил якунидан кўнглингиз тўлдими?

— Эски йил якунланиб, янги йилга қадам ташлаётган онларимизда ҳар биримизнинг шууримизда албатта, босиб ўтган йилимизга бир назар ташлаб, сарҳисоб қилиш истаги уйғониши табиий.

Мана, саккиз йилдан ошдики, ҳур, мустақил Ўзбекистон диёрида истиқлол шамоли эсмоқда. Унинг шарофати билан ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида илдам қадамлар қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлол йилларида қадам-бақадам ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик таъминланди. Эски маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам берилди. Давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда қонун устуворлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам замини барпо этилди.

Айнан шу масалада, яъни жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида қонунлар устиворлигини таъминлаш ишларида прокуратура идораларининг фаолияти миллий истиқлол мафкураси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўтаётган 1999 йилда аввалги йилларга нисбатан давлатимизнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди. Демократик қарашлар ва янги муносабатларга мос келадиган тафаккуримизни шакллантиришга эришилди. Жорий йилда кўппартиявийлик асосида ўтган сайловлар ва уларнинг натижаси давлатимиз, жамиятимиз ҳақиқий демократик йўлни танлаганини ҳамда бу йўлдан оғишмай кетаётганини бутун жаҳонга яққол намойиш этди.

«Ҳар бир миллатнинг маданияти аёлларга бўлган эътибори, ҳурмати билан белгиланади», деган ҳикматда кўп маъно зоҳир. Бежизга Президентимиз томонидан 1999 йил «Аёллар йили», деб эълон қилингани йўқ. Шу муносабат билан прокуратура идоралари ҳам аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги, меҳнат жамоаларидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қадр-қимматини муносиб даражага кўтариш масаласига алоҳида эътибор бериб, бирмунча салмоқли ишларни амалга оширди.

Шаҳар прокуратураси идоралари жорий йилда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда Республика Бош прокурорининг буйруқ, йўриқнома ва кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этди. Хусусан, ўзаро тўловларни намунали йўлга қўйиш, дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, солиқ тўловларини тўғри ташкил этиш, шунингдек ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан қарздорлик ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. Жамоат ва фуқаролар манфаатига жиддий зарар етказиб, мулкни, маблағни талон-тарож қилганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиб, 14,1 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги етказилган зарарлар айбдорлардан ундириб олинди.

Бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда пойтахтда фуқаролар тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фош қилиш ва унга қарши курашда бир мунча сезиларли ишлар амалга оширилган бўлса-да, мазкур йўналишдаги ишлардан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда юз берган фожиали воқеалар, экстремистик кучларнинг ҳаракатлари қонунчиликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятимизни тубдан қайта қуриш зарурлигини кўрсатди. Ватанимиз мустақиллиги ва истиқлолини кўролмайдиган қора кучлар курашнинг энг тубан, қонли усулларини қўлладилар. Бу ёвуз кимсаларни қўлга олиш ва ҳақиқий башарасини очиб ташлашга йўналтирилган фаол тергов-қидирув ишлари ўз самарасини бериб, улар қилмишларига яраша жазоландилар. Ачинарлиси шундаки, бундай диний ақидапарастликка берилган кимсалар ёшларнинг тажрибасизлигидан ва бизнинг тарбия соҳасидаги айрим камчиликларимиздан фойдаланиб, уларнинг онгини заҳарлашга, ўз жиноий қилмишларига шерик қилишга қаттиқ уриндилар. Юртбошимиз бошчилигида бу қора ниятли кимсаларга ўз вақтида кескин ва муросасиз чоралар кўрилди. Янги йилдаги асосий вазифаларимиздан бири, бу - ёшларимиз тарбиясига, уларнинг камолотига алоҳида эътибор билан қараш, доимий ғамхўрлик қилишдан иборат, деб ҳисоблайман.

Бу борада шаҳар прокуратураси идоралари «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний», «Маънавият ва Маърифат»,

(Давоми 4-бетда)

«ҲУҚУҚ»ДА БОСИЛГАЧ

«Муаммо ечимини топармикан?»

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан «Ҳуқуқ» юридик газетасининг 1999 йил 24 ноябрдаги 47-сонида эълон қилинган «Муаммо ечимини топармикан?» мақоласида келтирилган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилди.

Ўтказилган текшириш натижасига кўра, мақолада қайд этилган ҳолатлар тўлиқ ўз исботини топди. Шунга кўра, Шайхонтоҳур туман ҳокимига коммунал фойдаланиш бошқармаси иш фаолиятида йўл қўйилаётган қонун бузилиши ҳолатларини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир зарур чора-тадбирларни белгилаш учун тақдимнома киритилди.

Кўрилган прокурорлик таъсир чоралари натижасида Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасининг хатлар ва шикоятлар бўлими нозири М.Абдуллаева, ушбу бошқармага қарашли 5-сонли уй-жойдан фойдаланиш тармоғи бошлиғи А.Қаюмов, иш юритувчиси Н.Исабаева, муҳандис А.Сафаров, электр созловчи Р.Илибоевлар интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Б.ҲАҚНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

МИННАТДОРМАН

Ҳурматли Бош муҳаррир! «Ҳуқуқ»нинг шу йил 24 ноябрь сонида чоп этилган арзимиздан сўнг, бизнинг бағримизга ҳам шамол тегди. «Муаммо ечимини топармикан?» номли мададталаб мактубимиз туфайли адолат қарор топди.

Тошкент шаҳар прокурори М.Наимовнинг топшириғи билан шикоятимизни текширган келган шаҳар прокуратураси ходими Лазиз Раҳмоновнинг саъй-ҳаракати туфайли мушкулимиз осон бўлиб, кўнглимиз қувончга тўлди. Уйимиз томи бир сидра ямалиб, таъмирланди. Иссиқ-совуқ сувлар келиши яхшиланди, хонадонлар иссиқ. Бу мушкулимизни осон қилган инсонлардан, шахсан Сиз ва газетангиз жамоасидан миннатдормиз.

Барчангизга республикамизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги меҳнатларингизга ривож, оилангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз. Адолат қарор топиши йўлида қилаётган ишларингизга ривож тилайман.

Камоли эҳтиром ила

Ғ.РАҲМАТУЛЛАЕВ

ТАШАККУРНОМА

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!

Ушбу мактубни Тош ЧЭТ қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг бир гуруҳ ишчилари номидан ёзмоқдаман. Илгари 39-қурилиш бошқармасида меҳнат қилар эдик. Бошқарма 1999 йил 1 февралда тугатилган. Ундан 1998 йил июндан 1999 йил февралигача ойликларимизни ололмаганмиз.

Мактуб ёзишдан мақсадимиз қонуний иш ҳақимизни ундиришда ёрдам берган Шайхонтоҳур туман прокуратураси ходимларига, хусусан, терговчи Жасур Бўроновга ўз миннатдорчилигимизни билдиришдир.

Уларга фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устиворлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида муваффақият тилаймиз.

Галина БАЖИНА, Тошкент шаҳри

• *Журналнинг янги сони*

БИЗ БИЛАН ҲУҚУҚ АСРИГА!



2000 йилнинг февраль ойида «Қонун ҳимоясида» журналининг 50-сони чиқади. Вақтнинг ўтишини қаранг! Ахир куни кеча эдику журналнинг илк сони билан кенг жамоатчиликни таништирганимиз. Кечагина эмасмиди, «Қонун ҳимоясида» чиқа бошлаганига бир йил, икки йил бўлди, деб нишонлаб юрганларимиз. Бугун эса журнални чиқараётганимизга тўрт йил бўляпти ва унинг 50-сони материаллари устида иш қизғин.

Ҳозирча журналнинг бу йил ҳисобидаги сўнгги 11-12-сонлари қўлимизда. Ҳар доимгидек, ўқувчилар ўзлари кутган, билган мавзудаги мақолалар билан бирга, анча кутилмаган, янги, рангбаранг чиқишлар билан танишиш имкониятига эгалар. Мамлакатимизда бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловлар ва 2000 йил 9 январда ўтиши кутилаётган Президентликка сайловлар мавзуси якунланаётган йилнинг энг муҳим сиёсий ва ижтимоий воқеаси бўлиб тарихда қолди. Ана шу жараёнлар руҳи журналнинг муқовасидаги суратда (унда 18 ёшга тўлиб, биринчи бор овоз бериш ҳуқуқини олган бахтиёр ёшларимиз тасвирланади) ва - «Истиқболимизни белгилайдиган сайловлар» бош мақоласида акс этган. Ушбу мақолада муаллиф О.Муҳаммаджонов мамлакатимиздаги сайловларнинг моҳиятини, аҳамиятини ва унинг демократик тамойилларга мос эканлигини ўз мулоҳазаларида асослаб беради. Сайловлар мавзусини давом эттириб муаллиф А.Раҳимов ўзининг «Ўзбекистон парламентининг назорат фаолияти» мақоласида ҳам амалдаги қонунларимизнинг тўғри тадбиқ қилиниши масалалари, қонунлар, уларнинг ижроси назорати борасидаги таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Журналдаги ўзига хос мавзуни ўзига хос шаклда ёритиб берган яна бир мақола Ўзбекистонда давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қандай бажарилаётгани ҳақида. Журналист Ҳасан Карвонли «Ўзбекча гаплашмаймизми?» деб сарлавҳа қўйилган чиқишида, ўн йилдан бери фаолияти ёки шакл-шамойилини ўзгартирмаган, ўзгартиришни истамаётган шахслар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдорларни қаттиқ танқид остига олади. Зеро, ушбу мақола халққа, миллатга, тилга беҳурмат муносабатда бўлаётган айрим кимсаларни хушёрликка чақира олса, ажабмас.

Навбатдаги саҳифаларни ҳуқуқшунослар амалиёти билан боғлиқ қатор чиқишлар эгаллайди. «Қарзни ундирмоқлик ҳам фарз...», «Гиёвандлик воситалари», «Инсон соғлиғига тажовуз» каби мақолалар шулар жумласидандир.

«Одамлар эскича фикрлардан воз кечиб, прокуратуранинг жазоловчи ташкилот эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган идора эканлигини дил-дилидан англаб боряпти. Бу халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури ўсиб бораётганидан далолатдир». Бу сатрлар ёш ҳуқуқшунос, Ғаллаорол туман прокурори С.Шерназаров билан журнал мухбирининг «Юринг, дўстлар, халқ ичига борайлик» деб номланган мусоҳабасидан олинди. Ҳуқуқий тафаккур, маънавият, қолаверса ҳуқуқшунос маънавиятига бағишланган мазкур суҳбат муштарийлар учун кўплаб нарсаларга ойдинлик киритиб беради.

«Қонун ҳимоясида»нинг бу сонида ёзувчи Ғ.Раҳматуллаевнинг «Сиртмоқ» қиссаси тугалланади. Бадиий адабиётни севувчилар асар қаҳрамонларининг оламига сайр қилишлари мумкин. Булардан ташқари мазкур сонда қадрият, сиёсат, маърифат мавзуларидаги жудаям қизиқарли мавзулар билан ўқувчилар бажонидил танишиб чиқсалар керак.

Журналнинг ижодий жамоаси «Қонун ҳимоясида» билан яхши муносабатда бўлиб келаётган барча муштарийларни 2000 йилда ҳам ҳамкорликни давом эттиришга чақиради. Ҳозирда режалаштирилган тадбирларимиз нечоғли амалга ошиши ўқувчиларга боғлиқ. 2000 йилда ҳам алоқаларимизни бўшаштирмай, XXI асрга биргаликда кириб боришнинг тарафдоримиз.

Н.МАҲМУДОВ

«ҲУҚУҚ» НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Саркисоб

ЭНГ ФАОЛ
ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ

Ҳамза МАҲМУДОВ — Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи
Рустам МАТЧОНОВ — Республика прокуратурасининг бошқармаси катта прокурори
Ислом ЖАСИМОВ — Республика прокуратураси бўлим бошлиғи
С.НИЁЗМЕТОВА — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи
Ф.МАҲМУДОВ — Ф.Ҳўжаев туман прокурори
Д.МАЪДИЕВ — Қашқадарё вилоят прокурори катта ёрдамчиси
Ҳ.НАЗАРМЕТОВ — Қибрай туман прокурори

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛЛАРИ

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бирлашган таҳририяти 1999 йилда ҳар ҳафтада мунтазам ўтказилган летучкаларда «Ҳуқуқ»да эълон қилинган энг яхши материалларни аниқлаб борди.
Мана, йил якунида сўнгги летучкамизда йилнинг энг яхши материаллари рўйхатига қайсиларини киритиш керак, деган масала ҳам муҳокама қилинди ва қуйидагилар «Йилнинг энг яхши материаллари» деб топилди:

№	Чоп этилган материалнинг номи	Муаллиф	Чоп этилган сана
1	«Ватан бўғзимдаги жон каби азиз»	*Шарифа Салимова*	6 январь
2	«Чимилдиқда отилган ўқ»	*Шокир Ахроров*	20 январь
3	«Мўридан «келган...» даромад	*С.Собиров*	10 февраль
4	«Ошиқманг, ой тўлгунча...»	*Ф.Ҳамроев, С.Ҳайитбоева*	24 февраль
5	«Касбга хиёнат — Ватанга хиёнат»	*А.Гафуров*	24 март
6	«Тушовланган рақобат»	*Д.Исломов*	7 апрель
7	«Кавказ» изидан	*Ф.Шаймонов, Д.Исломов*	19 май
8	«Адвокатсиз кўрсатма бермаслик ҳуқуқи»	*Д.Маткаримова*	23 июнь
9	«Кимга чоҳ қазияпсиз?»	*З.Худойбердиев*	2 июнь
10	«Миллатнинг улкан бойлиги»	*М.Шодмонов*	30 июнь
11	«Покланиш ва иймон сари»	*Йўлдош Парда*	7 июль
12	«Ватан туйғуси буюк иноят»	*Қ.Сипдоров*	25 август
13	«Озодлик ҳақида дарс»	*М.Тўрабоева*	25 август
14	«Ё қиз, ё пул»	*Ж.Шарофбоев*	29 сентябрь
15	«Бўри»лар	*Ж.Маҳмадаминов, Қ.Жўраназаров*	29 сентябрь
16	«Кўнгил кўчаларида ҳам тартиб бўлиши керак»	*М.Бобоев, М.Дусярова*	6 октябрь
17	«Дарғом ютган нолалар»	*М.Аловуддинов*	13 октябрь
18	«Исми йўқ, касби аноним чи»	*М.Дусярова*	17 октябрь
19	«Тақдир ўйини»	*М.Мавлонов*	20 октябрь
20	«Мени ўлдирмайсизми?»	*Д.Эсонова*	20 октябрь
21	«Тарсаки»	*Ҳ.Нишонов*	24 ноябрь

ЭНГ ФАОЛ
ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАР

Йўлдош ПАРДАЕВ — Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази муҳаррири
Илҳом ЗОЙИР — Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти бош муҳаррири
Дилором ЭСОНОВА — Сирдарё вилояти прокуратураси «Адолат кўзгуси» газетаси ходими
Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА — Қашқадарё вилоят прокуратураси «Адолат кучи» газетаси махсус мухбири



Дилором ЭСОНОВА, «Адолат кўзгуси» мухбири

— Ўтган йили қаерда, кимлар билан кутиб олгансиз?

— Янги йилни ўзимиз тузаган мўъжазгина дастурхон атрофида - икки фарзандим, хаётда менга ўн етти йилдан буён ҳамроҳлик қилаётган - Отелломиз билан кутиб олдик. Кейин эса дўстларнинг келди-кетдиси, қариндош-уруғларнинг йўқлови билан йўғрилган Янги йилнинг биринчи тонги отди.

Бу йил ҳам насиб қилса қизларим билан тузаган тўкин дастурхон атрофида жамуламиз бўлиб меҳмон кутамиз, деган умиддамиз.

— Дилоромнинг дили қачон ором олади?

— «Сен кимни соғиндинг, девона кўнгил?...», «Кайдасиз онажоним?..», «Ингларману ўлмасман аммо», «Бормисан, йўқмисан?», «Сен уни унут...» «Қайтар дунё», «Капалаклар одамлардан меҳрибон» каби қатламларимга билдирилган фикрлар, узоқ-яқиндан бўлган кўнғироқлардан меҳнатим заҳматини ҳам унутиб қалбим олам-олам ором олади. Яна ёзгим, одамлар қалбига эзгулик уруғини сочгим келаверади.



Илҳом ЗОЙИР

— Ўтган йили Янги йилни қаерда ва кимлар билан, қандай кутиб олгансиз?

— Ўтган йили Янги йилни одатдагидек оила даврасида кутиб олганмиз. Оиламиз унча катта эмас: рафиқам, ўғлим ва мен. Шунинг учун ҳар янги йилга қариндошларни уйимизга «Янги йил» кечасига таклиф қиламиз. Меҳмон кутишни, айниқса, кўпчилик бўлиб Янги йилни кутишни яхши кўрамиз. Янги йилни хушчақчақлик билан кутиб оламиз. Нимагаки, хушчақчақлик билан бошланган Янги йил охиригача бизга омадлар олиб келади.

— Сиз ижодкорсиз. Айтинг-чи, сизга ижод қилишга илҳом қайси пайтларда келади?

— Тўғри, мен прозада, поэзияда, мусаввирликда ижод қиламан. Дам олиш пайтларимда турли мавзуларда «Бошқотирма» ва «Кроссворд»лар тузаман. Бу менга завқ бағишлайди. Илҳом доимо ўзим билан, чунки мен номим билан Илҳомман. Ётиб ижод қиламан, ўтириб ишлайман. Ҳажвий асарлар ётиб олиб ёзилади, нимагаки, ўқувчилар ётиб олиб кулишсин. Баъзида қаҳрамонларимнинг образини сўз билан тасвирлаб беролмай қолсам, тўғридан-тўғри кўлимга мўйқаламни оламан-да, расмини чизиб қўя қоламан. Ҳажвий расмлар ҳам битта ҳажвиянинг ўрнини босиши мумкин.

«Ҳуқуқ» газетасининг ижодий жамоасини, қолаверса, Ўзбекистон халқини Янги йил билан самимий қутлайман. Янги йил ҳаммага фақат яхшилик ва омад олиб келсин.

• Ҳуқуқшуносларимизга «Ҳуқуқ» саволлари

1. Келаётган байрам вақт тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Вақтнинг қаршисида нималарни ҳис қиласиз?
2. Ўтган йили Янги йилни қаерда ва қандай кутиб олган эдингиз?

1. Улуғ шоиримиз Ғофур Ғулом бундан анча йиллар муқаддам шундай ёзган эди:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Вақт ҳақида ўйлаганимда мана шу пурҳикмат гаплар ёдимга тушади. Вақт — умр. Ҳар бир инсон шундай умр кечирмоғи керакки, ортига боққанида дилида армон бўлмасин. Бунинг учун эса одамларнинг барча хатти-ҳаракатлари қонун доирасида бўлиши керак. Мен бунда мамлакатимизнинг амалдаги қонунларидан ташқари одамгарчилик, дўстлик, садоқат каби ҳаётнинг ёзилмаган қонунларини ҳам назарда тутмоқдаман.

2. Бир ажойиб қўшиқ бор. «Ватан нимадан бошланади?» деган. Ватан оиладан бошланади. Шундай экан, Янги йилни оила даврасида кутиб олганга не етсин.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи



И.ЖАСИМОВ,
Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

1.Янги йил байрами ҳақиқатан ҳам вақт тушунчаси билан бевосита боғланган. Шу байрам бир томондан инсон ҳаётида, давлат тарихида яна бир сана яшаб ўтилганлигини англатса, иккинчи томондан, янги бир сана бошланишини билдиради. Бу байрамнинг яна бир қатор бошқа хусусиятлари бор. Шу байрамдан олдин ёки ундан кейин ҳар бир шахс, идора, корхона ва ниҳоят давлат босиб ўтган йўлига, амалга оширган ишларига, ютуқларига, хато ва камчиликларига баҳо бериб, янги режалар тузади.

Янги йил байрами вақт тушунчаси билан бевосита боғланганлиги сабабли ҳар бир шахснинг фуқаровий ҳолатини белгилашда ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, бу байрам билан кириб келган санада кимдир вояга етиб, муомалага тўлиқ лаёқатли бўлади ва фуқаролик муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади, кимдир меҳнат қилиш, кимдир эса пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади ва ҳоказо.

Вақтнинг қаршисида мен бир нуфузли давлат идорасининг ходими бўла туриб, аввалambor, хизмат вазифаларимни қандай бажариб келдим, қилган ишларим қандай натижа берди, ватандошларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун барча чораларни кўрдимми, деган саволларни олдимга қўяман. Тўғрисини айтсам, ўз ишимдан тўлиқ қониқмаганлигимни ҳис этаман, чунки ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

2. Янги йилни қандай кутиб олсанг, худди шундай кузатасан дейишади. Балким шунинг учун ҳам бу байрам оилавий байрам ҳисобланади ва оиланинг осойишталигини, маънавий руҳини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир шахс Янги йилни оила билан кутиб олади. Мен ҳам галгидай Янги йилни оилам билан бирга кутиб оламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни, ватандошларимизни кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчаларига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, машаққатли ишларида фақат зафарлар тилайман.

• *Муассис минбари*

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

(Бошланиши 2-бетда)

Хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда узлуксиз тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказишмоқда. Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш йўналишидаги фаолиятимизни янада кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилган ва улар фаол амалга оширилмоқда.

— Бир пайтлар одамлар орасида «прокуратура — жазоловчи орган», деган тушунча мавжуд эди. Бу тушунча бугун ҳам айрим кишилар онгининг бурчак-бурчакларида яшаб келмоқда. Бунинг сабаби нима деб ўйлайсиз?

— Бу тушунча албатта нотўғри, ҳозирги прокуратура идораларининг фаолияти собиқ Совет Иттифоқининг мустабид тузуми давридаги прокуратуралардан тубдан фарқ қилади.

Ҳозирда Республика прокуратурасининг қатъий сайъ-ҳаракатлари натижасида фуқароларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларига чек қўйилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳар қандай ҳаракат фавқулодда ҳол деб ҳисобланиб, айбдор ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига қаттиқ жазо чоралари кўрилмоқда. Айниқса, судларда жиноят ишлари кўрилиши жараёнида айбдорларга содир этган қилмишларининг ижтимоий хавфлилик даражаси, судланувчининг шахси, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинган ҳолда қилмишига яраша тўғри ва асосли жиноий жазо тайинланишига эришилмоқда. Масалан, биргина шаҳар прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган 11 ойи якуни бўйича судлар томонидан тайинланган жазоларнинг енгиллиги учун 17 нафар шахсларга нисбатан назорат протестлари киритилиб, суд ҳукмлари бекор қилинган бўлса, судлар томонидан белгиланган жазоларнинг асоссиз қаттиқ тайинланганлиги учун 63 нафар шахсларга нисбатан назорат протестлари киритилиб, суд қарорлари ўзгартирилиб, тайинланган жазолар енгиллаштирилган.

Тарихга назар ташласак, 1922 йил май ойидан прокуратура органлари ташкил қилиниб, унинг асосий вазифаси қилиб фақат собиқ Шўролар давлати манфаатларини ҳимоя қилиш юкланиб келинган.

1937 йилги қатағон даврида «халқ душмани» тамғаси билан ўзбек халқининг зиёли ўғлонлари Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа юзлаб эркин фикрлайдиган жамоат арбобларининг асоссиз қамоққа олиниши, сургун қилиниши ва отиб ўлдирилиши нафақат прокуратура, балки барча ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига «жазоловчи орган» деб қаралишига сабаб бўлган.

Президентимиз мардонавор туриб, ҳали Совет Иттифоқи тугаб улгурмаган даврдаёқ «Ўзбеклар ишини» қайта кўриб, бегуноҳ қамалган одамларимизни қамоқдан бўшатиш ва оқлаш ишларида бош-қош бўлганини, янги қабул қилинган Конституциямизда давлат эмас, балки инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг биринчи навбатда ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши қатъий белгиланиб, оғишмай амалга ошириб келинаётганлигини, ҳуқуқ-тартибот, шунингдек, прокуратура идораларида тубдан ислоҳотлар ўтказилиб, уларнинг фаолияти демократик ҳуқуқий давлат қуришга йўналтирилганини халқимиз аниқ кўриб, ҳис этиб турибди.

— Гапимиз ўз-ўзидан ҳуқуқий маданият масаласига келиб тақаляпти. Мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ишлари кўнгилдагидек кетяптими?

— Жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонун чиқарувчи ҳамда давлат бошқаруви идоралари томонидан қабул қилинаётган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар, қонуности ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли ўртасида муҳокама қилиш йўли билан кенг оммалаштирилиб, оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир фуқарога етказилмоқда. Шунингдек, қонунларни оддий, оммабоп шаклда тушунтирувчи шарҳлар, маълумотлар, брошюраларни тез ва ўз вақтида чоп этишни яхши йўлга қўйиш лозимдир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини даражасини ошириш ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бирдан-бир тўғри йўлдир. Ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш, фуқароларни қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар билан доимий таништириб бориш, уларнинг мақсади ва моҳиятини тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада прокуратура ходимлари ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшиб, бирмунча ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, шаҳар прокуратураси идораларининг тезкор ходимлари жорий йилнинг 11 ойида халқ орасида 4500 марта қабул қилинган қонунларни, ҳукумат қарорларини тушунтириш тадбирларини ўтказдилар. Шунингдек бу ишда оммавий ахборот воситаларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Прокурортергов ходимлари турли хил мавзуларда маърузалар сақифаларида 90 дан ортиқ чиқишлар қилдилар. 130 маротаба радио тармоқларида, 100 маротаба телевидение кўрсатувларида қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси борасида суҳбатларда қатнашдилар.

Янги йил иш режамизга келсак, биз 2000 йилда ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар лицейларида ҳуқуқий тарбияни жадаллаштиришни, яъни доимий йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйганмиз, бу йўлда «прокурор соати» дарсларидан унумли фойдаланмоқчимиз.

— Катта шаҳарларнинг ташвишлари ҳам ўзига яраша катта бўлади. Пойтахтимизда жиноятчиликнинг аҳволи қай даражада?

— Пойтахт ҳудудида криминоген вазиятнинг таҳлил қилиниши шуни кўрсатдики, шаҳар прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган тезкор чоралар кўрилиши натижасида 1999 йилнинг 11 ойи давомида ўтган йилга нисбатан ўта оғир турдаги жиноятлар сонини деярли 4 фоизга, қасддан одам ўлдириш 10, баданга оғир шикаст етказиш 7, зўрлаб номусга тегиш 4,3 ҳамда ўқотар қуроллардан фойдаланиб содир этилган жиноятлар сонини 23 фоизга камайишига эришилди.

Жиноятчиликка қарши курашнинг бу йўналишларида ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, лекин айрим турлари, яъни босқинчилик-16, талончилик-29, ўғирлик-21, транспорт воситаларини олиб қочиш-9 фоизга ошишига йўл қўйилди.

Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, маст ҳолда қилинган жиноятлар ҳамда гуруҳ бўлиб содир этилган жиноий қилмишлар сони бир қадар кўпайиши кузатилди.

Ушбу кўрсаткичлар шунга далилки, вояга етмаганлар, муқаддам судланганлар ва ичкиликка ружу қўйган шахслар ўртасида тарбиявий, профилактик назорат ишларини олиб бориш суст лашиб кетган. Бу эса ўз навбатида жиноятчиликнинг ўсишига сабабдир. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, ҳокимликлар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қўшимча тадбирлар ишлаб чиқдилар ҳамда аҳоли ўртасида профилактика ишларини, шу жумладан, маҳаллаларда, мактабларда, интернатларда, махсус билим юртларида тарбиявий ишларни кучайтирдилар. Жойларда вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларнинг оғишмай бажарилиши юзасидан кенг қамровли назорат ишлари олиб борилмоқда. Мазкур масала доимо Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбариятининг назорати остида бўлмоқда.

— Инсонга ҳамиша эрта бугундан гўзал туюлади. Ҳаётнинг давомийлиги балки шундадир. Янги йил арафасидаги тилакларингиз? Жамоанинг келгуси йилдаги режаларини шарҳлаб берсангиз?

— Фурсатдан фойдаланиб, аввалом бор, барча ҳамкасб дўстларни ва газетхонларни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлишини тилайман.

Барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбари келаётган 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар.

Янги йилнинг бундай номланиши, шак-шубҳасиз, республикамизнинг ҳар бир фуқаросини дилдан қувонтирди. Сабаби, ҳар бир оилада фарзанд бор. Уларнинг саломатлиги, бахту саодати, ижтимоий-шахсий камолоти эса қайси ота-онани чуқур ўйлантирмайди дейсиз? Модомики, соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бу фарзандлар келажагига ишончни янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг куч-қудрати ва шон-шуҳратини таъминлашда баркамол янги авлодларнинг улуши йил сайин кўзга ташланмоқда.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда янги авлодларнинг бир қатор вакиллари қизғин курашларда депутатлик мандатларига эга бўлдилар. Энг муҳими, бу сайловларда сайловчиларнинг катта қисмини ёш авлод вакиллари ташкил этди ва уларнинг овози янги депутатлик корпуси шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Олдинда турган Президентлик сайловида ҳам ёшларимизнинг соғлом, ҳалол, Ватанимиз келажагининг асл манфаатларига таянган овози худди шундай омил бўлажак.

2000 йилда «Соғлом авлод учун» дастури устивор йўналиш этиб белгиланди. Шу мақсадда, шаҳар прокуратураси идоралари олдида турган асосий вазифалар - Конституциямиз ҳимоясида бўлган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, давлат тизимимиз, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллатимиз шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан уларни ҳимоя қилиш, давлатимизда қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлашдан иборатдир.

Суҳбатдош Ҳасан НИШОНОВ

• *Гурур*

ҚАНОТБАХШ ОРЗУЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигидан кейинги кечаётган ҳар бир йилнинг фаровонлигимиз йўлида тутган ўрни беқиёсдир. Кириб келаётган янги йилни мамлакатимиз Президенти томонидан «Соғлом авлод йили» деб аталишининг таклиф этилиши миллатимиз бахт-иқболи, тақдирини ўйлаб қилинган катта ғамхўрлик деб биламан.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, халқларимиз ҳаётга очиқ кўз билан қарашга анча-мунча одатланиб қолишди. Бунга мамлакатда ўтказилаётган сайловлар жараёни ҳам яққол мисол бўла олади. Демакки, эл қалбига яқин кириб бора олган инсонлар меҳнати ҳеч қачон бесамар кетмайди. Сайловлар жараёнида биз ана шу ҳақиқатга гувоҳ бўлдик.

Туман кенгашига сайлов ўтказувчи 27 та, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 16-Навоий, 17-Гигант, 18-Ўзбекистон, 19-Олчин сайлов округи ҳамда Олий Мажлисга Сайлов ўтказувчи 75-Навбаҳор сайлов округлари фаолияти биркитилган ҳуқуқ-тартибот ходимлари тонидан муттасил назорат қилиб борилди.

Кириб келаётган янги йилда, аниқроғи илк ойнинг тўққизинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтади. Бугунги кундаги сайловчилар чеҳраларидаги қатъият шуни кўрсатадики, улар эртанги фаровон турмушимиз, бахт-саодатимиз учун жон фидо қилаоладиган, элим деб, юртим деб яшашда ўрнак бўла оладиган муносиб номзод учун овоз берадилар.

Азиз дўстлар, одатда асрлар орасида яхлит саналарга етишиш ва бахтиёр ҳаёт кечириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кириб келган Янги йилингиз муборак бўлсин! Биз қураётган мамлакат дунё ҳавас қиладиган озод ва обод диёрга айлансин.

Холмирза ҚЎЛДОШЕВ,
Навбаҳор туман прокурори



Мавлуда Эргашева прокуратура тизимида самарали фаолият кўрсатиб келаётган ходимлардан. Она қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тиним билмайди. Айни пайтда Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида ишлаётган М.Эргашева бу борадаги ишлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган.

Суратда: М.Эргашева Самарқанд шаҳар тиббиёт билим юртида қонунчилик тарғиботи бўйича маъруза қилмоқда.

• *Газетхон таклифига кўра*

ТЕРГОВЧИ, СПОРТЧИ ВА АКТЁР



Эрталаб ишхонага келиб, эшикни очиб улгурмасимдан телефон жиринглади. Хонага кирдиму, гўшакни кўтардим.

— Ассалому алайкум. Аҳмаджон Бердимуродовни танийсизми? — гўшакнинг у томонидан қиз боланинг кўнғироқдек овози эшитилди.

— Қайси Аҳмаджон? — дабдурустдан берилган саволдан ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Қайси бўларди, «Шайтанат»да Жамшид ролини ўйнаган Аҳмаджонни-да.

— Ахмаджон, маълумки, кино оммабоп санъат турларидан биридир. Шу ўринда спортни ҳам, моҳирона олиб бориладиган терговни ҳам ўзига хос нозик санъат асарига қиёсласак адашмаган бўламиз. Сиз эса шу уччала йўналишда истеъдодингиз қирраларини намоён этаяпсиз. Спорт билан илгарироқ дўстлашганлигингиз ҳақида эшитган эдим...

— Ҳа, у Аҳмаджоннми, таниймаи, тинчликми?

— Тинчлик. Биласизми, сизлардан бир илтимосим бор. Газеталарда таниқли актёрлару спортчилар билан тез-тез суҳбатлар чиқиб туради. Сизлар ҳам газетангиз орқали Аҳмаджон аканинг кинога қандай кириб келганликлари, умуман, у киши ҳақида маълумот бера оласизми, деб кўнғироқ қилаётувдим.

Газетамизнинг якин сонларидан бирида у киши билан суҳбатни чоп этишга ваъда қилиб, гўшакни жойига қўйдим-у, ўйланиб қолдим. Очиғи, бундан икки йилча илгари ҳам Аҳмаджон билан суҳбатлашишни режалаштирган эдик. Ўшанда Аҳмаджон истеъдодли режиссёр ва сценарийчи Юсуф Розиков томонидан суратга олинган «Тартиб» номли видеофильмда ўзининг дебют ролини ўйнаган эди. Баъзи бир сабабларга кўра ўша суҳбат амалга ошмаган эди. Мана энди, ҳозирги кўнғироқ туртки бўлди-ю, Аҳмаджон меҳнат қилаётган А.Икромов туман прокуратурасига кўнғироқ қилиб, унинг розилигини олдим ва биз учрашдик.

— Кинога кириб келишингиз тасодифийми?

— Очиғи, бир нарса дейишга ҳайронман. Ҳаммаси тўсатдан бўлди. «Тартиб» видеофильмидаги Азамат роли учун ишхонага келиб, мен ҳақимда сўраб, суриштиришибди. Сўнгра раҳбариятнинг розилиги билан суратга тушдим.

— «Шайтанат»чи?

— Жамшид ролини ўйнашимга Жамшид ака Зокиров сабабчи бўлдилар. Ёдингизда бўлса, у киши «Тартиб»да участка нозирини ўйнаганлар. У киши менинг суҳбатга таклиф қилишди. Бордим. Каттагина хонада 5-10 чоғли одам. Саломлашдик. Ҳаммасининг кўзи менда. Шунда улардан бири менга тикилиб туриб, «бўлади», деди.

Кейин билсам, у киши режиссёр Жаҳонгир Қосимов экан. «Шайтанат» видеофильми суратга олинаётганини ва мени Жамшид ролига таклиф этмоқчи бўлишаётганликларини айтишди. Аввалига кўнмадим. Биринчидан, мен профессионал актёр эмасман. Иккинчидан, маълум бўлишича, бу ролга яна ўн бир нафар одам таклиф этилган бўлиб, уларнинг баъзи бирлари таниқли актёрлар экан. Қолаверса, «Шайтанат»ни ўқиб чиққанман. Ўзим прокуратура тизимида меҳнат қилсам-у, «Жамшид» эса бир жиноий гуруҳ бошлиғининг танқўрикчиси бўлса... Йўқ, раҳбариятдан рухсат олишди. Видеофильмнинг биринчи қисмида суратга тушдим.

—Ахмаджон, айтингчи, Азаматдан сўнг Жамшидни ўйнаш осонроқ бўлгандир?

— Аксинча, Азамат ҳаётимдаги биринчи ролим бўлгани билан, у ерда ўзимни ўйнадим дейишим мумкин. Сабаби маълум, қаҳрамоним - прокуратура ходими, спорт билан шуғулланиб туришим эса болалар уйидаги тўқнашув эпизодида қўл келди. «Шайтанат»да эса бунинг акси. Бундай қараганда, Асадбек билан унинг одамларини тушуниш мумкиндек. Тўғри, улар қатаған қурбонлари. Энди бўлса, бошларига тушган кўргуликлар учун ўзлари ҳукм чиқариб, ўзлари жазоламоқдалар. Бу эса нотўғри, аввало, қонун бор, қолаверса, бу вазифани бажарадиган тегишли идоралар бор. Мен ҳам шундай идоралардан бирининг вакилиман. Шу сабабли, қолаверса, тажрибам камлиги туфайли бу ролни ижро этишда маълум даражада қийналдим ҳам.

— Машҳурликка қандай қарайсиз? Айтмоқчиманки, кўча-кўйда одамлар сизни танишаётибдими?

— Бир мисол келтирмоқчиман. Опаларим жиянларим билан меҳмонга келишувди. Улар билан «Улуғбек» боғига айланғани чиқдим. Дам олиб ўтирганимизда тахминан 7-8 ёшлардаги икки болакай ёнимга келиб, «Сиз Жамшид акамисиз?», - деб сўраб қолишди. Гап нима ҳақдалигини тушунсам-да, - «Қайси Жамшид?» - деб сўрадим. «Шайтанат»даги, дейишди болакайлар. Тасдиқ ишорасини олишгандан сўнг эса дастхат сўрашди. Улар кетишгандан кейин эса нариги столда ўтирган икки аёл туриб, биз томон келишди. Маълум бўлишича, улардан бирининг жиянининг исми ҳам Жамшид бўлиб, у аёл ҳам жияни учун дастхат сўради. Хуллас, бирпасда атрофимизни ўн-ўн беш чоғли одам ўраб олди. Жуда қизиқ бўлар экан.



— Бир вақтнинг ўзида ҳам туман прокурорининг катта ёрдамчиси, ҳам спорт билан шуғулланиш, қолаверса, кинода роль ижро этиш... Буларнинг барчаси оғирлик қилмайдими? Ҳаммасига қандай қилиб улгураяпсиз?

— Ростини айтсам, ўзим ҳам ҳайронман. Аниқ режа асосида ишлашга ҳаракат қиламан. Масалан, эрталаб соат 5 да уйқудан туриб, 7 гача спорт билан шуғулланаман. Соат 9 дан 18 гача асосий хизмат жойимдаман. Соат 18 дан кечки 21-22 гача видеофильм учун суратга тушаман. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман. Машқ қилаётган пайтимда, спортдан бошқа нарса ҳақида ўйлашни, ҳатто бирор киши гапга тутишини ҳам ёқтирмайман. Ишда эса фақат тергов материаллари билан машғул бўламан.

Аммо булар кишини жисмонан жуда толиқтиради. Бу қийинчиликларни енгишда аввалига режиссёрлардан Юсуф аканинг, сўнгра эса Жаҳонгир аканинг маслаҳатлари асқотди. Бундан ташқари, маълумки, Шарқ якама-якка курош турлари иродани чиниқтиришда муҳим роль ўйнайди. Бўш ирода эса энг керакли пайтда панд бериши табиий. Спортнинг бевосита кўмаги туфайли роль ўйнаётган чоғимда, фильмдаги воқеаларни худди ҳаётда содир бўлаётгандек тасаввур қилишга ҳаракат қилмоқдаман. Натижасини баҳолаш томошабинларимизга ҳавола.

— Ҳамкасбларингиз сизнинг роль ўйнашингизга қандай муносабатда бўлмоқдалар?

— Ўринли савол бердингиз. Кези келганда Республика Бош прокурори Усмон ака Худойқуловнинг беминнат ёрдамларию, маслаҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тошкент шаҳар прокурори Мэлс ака Наимов, туманимиз прокурори Музаффар ака Хўжаевлар муҳим, керакли пайтда менга шарт-шароитлар яратиб бермоқдалар. Ҳамкасбларим эса керак бўлганда йўқлигимни билдирмайди, энг муҳими маънан қўллаб-қувватлаб туришибди.



— Ахмаджон, Янги йилда ҳам терговчи, ҳам спортчи, ҳам актёр сифатидаги фаолиятингизда омад ҳамиша сизга ёр бўлсин.

— Раҳмат. Бундай омад эзгу ниятли ҳар бир кишига насиб этсин.

Ғофуржон АЛИМОВ суҳбатлашди

Суратларда: А.Бердимуродовнинг халқаро турнирлардаги иштирокидан лавҳалар

• *Биласизми?*

АСР ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Ҳамма эмас-у, лекин кўпчилик янги, XXI аср бошланиши ҳақида гапиратуриб, 2000 йил дейди. Бу, ахир, хато-ку! 1999 йил 31 декабрдан 2000 йил 1 январга ўтар кечаси XX асрнинг охирги юзинчи йили бошланади. XXI аср 2001 йил 1 январдан кириб келади! Қайғурманг, хатолик очинарли бўлса-да, бироқ уни тушунса бўлади. Сизни кўп ноллари бўлган ушбу «мўъжизали» рақам сеҳрлаб қўйган. Дарвоқе, 1800, 1900 ва шунга ўхшаган йилларни асрий йиллар дейишади. Улар асрларни, юз йилликларни «якунлашади». Худди шундай, 2000 йил Ернинг янги тарихида иккинчи минг йилликка нуқта қўяди. Кейинги йил эса учинчи минг йилликни очади. Аср бошини аниқлашдаги хатога келсак, у Пётр I давридан бошланган. Унинг туғилишидан бошлаб Русда йилларни ҳисоблаш қоидасини киритиш тўғрисидаги фармонга кўра, янги аср бошланиши сифатида, демак, алоҳида тантанали байрам сифатида 1700 йилнинг 1 январи тилга олинади. Мана, доно император кашфиёти! Шундан кетди - қўйди...

Ажойиб рус ёзувчиси К.Г. Паустовский Андерсеннинг эртаклари тўпламига сўз бошисида шундай ёзганди: « Бу воқеа 1899 йил 31 декабрнинг қиш кечасида - йигирманчи асрга ниҳояти бир неча соат қолганда содир бўлган...». Тарихчи Манфред ҳам «Наполеон Бонапарт» китобида «1799 йил охирлаб борарди. Аср охирлаб борарди» деган тарзда хатоликка йўл қўяди.

Бугунги газета ва журналлардаги беҳисоб ноаниқликларни айтмайсизми? Матбуот саҳифаларини варақлаб «2000 йил бўсағасида» ёки «2000 йил - янги эранинг бошланишими?», «2000 йил - автомобили» (самолёти, курсиси - истаган сўзни қўяверинг). Айтаяпмизку, ноллар қанча кўп бўлса, янглишишлар ҳам...

• *XXI асрда бизни нималар кутмоқда?*

МЎЪЖИЗАЛАР АСРИ



Дунё сиру синоатга бой. Унинг сирларидан воқиф бўлиш эса бизни беихтиёр мўъжизалар оламига етаклайди.

Бир қарашда ҳаёт сокин ,тинч ўтаётгандек туюлади. Синчковлик билан кузатсак унда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, бу техника-технологиянинг тараққиёти билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Содир бўлаётган ўзгаришлар деганда, техника-технологиянинг ривожи билан бир қаторда одамлар онгининг ўсаётганлиги, уларнинг яшаш даражаси, дунёқараши ўзгараётгани назарда тутиляпти.

Сир эмас яқин кунларгача дунёвий ўзгаришлар бизгача йиллар давомида зўрға етиб келар эди. Истиқлолимиз бундай бикиқликка чек қўйди. Биз энди дунё воқеаларидан билвосита эмас, балки бевосита хабардор бўлиб келаяпмиз. Ҳа, биз ҳозир дунёнинг исталган мамлакатида юз бераётган ўзгаришлар, воқеалардан воқиф бўлган ҳолда бошқа давлатлар билан бевосита алоқалар ўрнатяпмиз ва ҳозирги пайтда бу борада талайгина ишларни амалга ошириб қўйдик.

Мана, XX аср ҳам охирлаб қолди. Бу асрда биз нималарга эришдигу, XXI асрда қилинажак режаларимиз нималардан иборат?

Умуман, бу масалани кенгроқ, бутун инсоният доирасида сарҳисоб қилганимиз маъқул, деб ўйлайман. Бунинг учун албатта ўтмишимизга ва келажагимиз башоратларига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Ўтмишимиз ҳаммамизга аён. Ҳа, оламшумул воқеалари билан кишини ўзига ром этган ушбу техника-электроника асрида гоҳ жумбоқли, гоҳ мўъжизакор, гоҳ ҳайратли воқеалар, ихтиролар, янгиликлар кашф этилди.

Умуман, сайёрамиз ихтирочилари XX асрда нималарга эришдилар-у, XXI асрда яна қандай кароматлар кўрсатишмоқчи? Ҳозирги яшаб турган асримиздаги турмуш тарзимиз ёмон эмас, албатта, лекин кашфиётчиларимиз XXI асрда бундан ҳам яхшироқ ҳаётни туҳфа этишмоқчи.

Ўйлаб кўрганмисиз, тўсатдан саёҳат қилингиз келди-ю, ойга само кемаси орқали сафарга отланишингизни? Бугунги кунда фан-техника ривожи сизнинг бу хоҳишингизни бемалол бажариш имконига эгадир.

Япониялик уддабуронлар худди «Саёҳатчи» автобуслар сингари «Саёҳатчи» самовий кема маршрути(Ер-Ой)ни йўлга қўйиш устида бош қотирмоқдалар. Бу маршрут бўйича исталган сайёҳ Ойга бориб, сайр этиб келиши мумкин. Бунинг учун сафарга чиқишдан олдин ўтказиладиган махсус кўрик ва тайёргаликдан ўтишингиз ва ҳамёнингизда кўп эмас, 50 ($) минг акчангиз бўлса бас.

Умуман, япон ихтирочиларига тан бермасликнинг иложи йўқ. Яқинда улар янги тоифадаги телефон, телевизор ва музлатгичлар ўйлаб топишганини эълон қилишди. Булар эса турган-битгани мўъжиза. Масалан, янги тоифадаги телевизор сизга «дўстона» хизмат қилиши билан ҳозиргиларидан ажралиб туради. У сизнинг бўйруқларингизга жавоб беради ва бажаради, шу билан бирга сизни нохуш тасодифлардан асраб қолади. Дейлик, сиз телевизорни жуда ҳам якиндан томоша қилаяпсиз. Телевизор бу ҳолни дарров сезиб қолади ва сиз кўзингизга зарар етказаётганингиз ҳақида огоҳлантиради. Ёки бўлмаса унинг овозини меъёридан баланд қилиб қўйсангиз, у сизни қўшниларга халақит бераётганлигингиз ҳақида огоҳлантиради. Яна бир томони — телевизор кўра туриб ухлаб қолдингиз. Бу вақтда у турли хил овозлар билан сизни уйқудан уйғотади ҳамда телевизорни ўчириш хусусида огоҳлантиради ва ҳоказо шунга ўхшаш юзлаб функцияларни амалга оширади.

Янги тоифадаги музлатгичларга келсак, булар ҳам сиз учун «дўстона» муносабатда бўлиб хизмат қилади. Бу музлатгич турли хилдаги шарбатларни сизга ҳозиру нозир қилиб бериши билан ҳозиргиларидан ажралиб туради. Фақат музлатгич токчаларига олма, лимон ва ҳоказо меваларни солиб қўйсангиз бас. Эшикни очганингиздаёқ сизга канака шарбат кераклигини ва бунинг учун қайси тугмачани босиш кераклигини тушунтириб қўяди. Хоҳишингизга кўра тугмачани босишингиздаёқ шарбат кўз олдингизда намоён бўлади.

Бехосдан музлатгич эшигини ярим очиқ қолдирсангиз, у қаттиқ овозда сизни чақиради ва эшикни маҳкам ёпиб қўйиш ҳақида огоҳлантираверади. Сиз бу қаттиқ овоздан музлатгич эшигини маҳкам ёпиб бўлганингиздан сўнггина қутулишингиз мумкин.

Янги тоифадаги телефонлар видеотелефон - деб юритилади. Бу телефонлар Япониянинг «NEC» корпорацияси ихтирочилари томонидан ўйлаб топилди. Ушбу телефонлар ўз номидан маълумки, ўз жинсдошларидан гапираётган кишининг



тасвирини кўрсата олиши билан фарқ қилади. Сиз телефон орқали гаплашаётган суҳбатдошингизни худди телевизорда кўргандек томоша қилиб гаплашаверасиз. Ажабланарлиси шундаки, ушбу телефонлар ҳажми ҳозирги жинсдошлари ҳажмидан ҳеч фарқ қилмайди. Бу телефонлар ҳозирда синов тариқасида ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, натижалар ёмон эмас. Шу туфайли корпорация барча синовларни ўтказиб, 2002 йилдан бу тоифадаги телефонларни жаҳон бозорига олиб чиқишни режалаштириб қўйган.

Ҳали буларнинг ҳаммаси ҳолва. Якинда Американинг Ай-Би-Эм (IBM) корпорацияси ҳамда Япониянинг «Олимпус» компанияси Токиода ўзларининг янги компьютерининг тажриба нусхасини намойиш қилди. Янги компьютер ҳозирги компьютерлардан ташқи кўриниши ва бажарадиган функцияси жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Унда одатдаги клавиатура ҳам, «сичқонча» ҳам, ҳатто экран ҳам йўқ. Унинг асосий қисми вазни 100 граммдан ошмайдиган қутичадан иборат бўлиб, махсус тасмачалар ёрдамида



бошга тақиб қўйилади. Худди фантастик кинолардаги каби ўнг кўзга ўрнатиладиган миттигина экран эса энг замонавий технология асосида ишланган. Шулар воситасида кишининг кўз олдида катта ва одатдаги компьютер экрани кўриниб туради.

Бу компьютерга буйруқ ўнг қўлга кийиладиган сезувчан «қўлқоп» орқали берилади. Бу «қўлқоп»га тўртта тугмачага ўхшаш қурилма ўрнатилган бўлиб, улар «сичқонча»нинг тугмачалари вазифасини бажаради. Бармоқлар ҳаракати ёрдамида шу тугмачаларни босиб экранда ўзингиз хоҳлаган тасвирни ҳосил қиласиз. Ҳозирча, янги қурилма ёрдамида факат мавжуд ёзувларни ўқиш ёки тасвирларни кўриб чиқиш мумкин, лекин бирон ёзув ёзиш мушкул иш бўлиб турибди. «Сичқонча»нинг муаллифлари японлар бўлиб, улар ундан ҳозироқ компьютер ўйинларида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқдалар.

Ушбу компьютерда одатдаги клавиатуралардек ишлайдиган қурилмани келажакда яратиш мумкинлигини эса америкаликлар таъкидлашмоқда.

Ихтирочилар ушбу тажриба орқали янги технологиянинг асосий йўлларини очиб бердилар. Келажак XXI асрда ушбу технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишни мақсад қилиб қўйганлар.

Балки сиз келажакка ёки бўлмаса ўтмишга саёҳат қилишни хоҳларсиз? Бу орзуингиз ҳам XXI асрда рўёбга чиқиши ҳеч гапмас. Германиялик ихтирочи Берг Мендлее анча йиллардан буён «Вақт Машинаси»ни кашф этиш борасида бош қотириб, турли хил синов ва тажрибалар ўтказиб келар эди. Кунларнинг бирида у ўз уйида тажриба ўтказаётган эди. Тўсатдан ҳовлида кучли шамол кўтарилиб ҳаммаёқ чанг, остин - устун бўлиб, дераза- эшиклар синиб, кучли тўзон бошланиб кетди. Овқатга уннаётган хотини стол остига беркиниб олди. Озгина фурсатдан сўнг ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. Мендлеенинг хотини стол остидан чиқиб эри ғойиб бўлиб қолганини пайқаб қолади. Ҳақиқатан ҳам ушбу воқеадан сўнг Берг Мендлее дом-дараксиз йўқолиб қолади. Лекин ҳар замонда баъзан хотини, баъзан қўни-қўшнилар Мендлеенинг шарпасини учратиб туришади. Бу шарпа бир зумда пайдо бўлади-ю, яна бирдан йўқолиб қолади. Бутун умрини «Вақт Машинаси» ни яратишга бағишлаган тиниб-тинчимас Берг Мендлее ҳақиқатдан ҳам ўз орзусига эришган кўринади. Балки у гоҳ ўтмишни, гоҳ келажакни сайр этиб юргандир. Бу, албатта, оламшумул воқеа. Лекин ҳозирча олимларимиз бу ҳақда бир нарса дейишга ожизлик қилмоқдалар.

Бу каби мўъжизакор кашфиётлар инсоннинг эзгу тилакларига хизмат қилса нур устига аъло нур. Аммо «темиртан хотин» яратиб у билан умргузаронлик қилаётган аломат ихтирочилар ҳақида ҳам ўқиганимиз бор. Ким билсин, яна кимдир, бирорта аёл ихтирочими, «темиртан эр» яратиш устида бош қотираётгандир. Бош омон бўлса ҳали кўрамиз. Ҳозирча яратгандан соғлик, умр, ишимизга ривож тилаб турайлик-чи...

Бобокул САИДОВ



• *Байрам учрашуви*



- Абдураим ака, илк бор халқимизга «Шум бола» фильми орқали танилгансиз. Кейинчалик «Суюнчи»да Абдулла, «Чимилдиқ»да куёв ва ниҳоят бугунги кунда «Лаззат» ошхонасининг бош ошпази. Айтингчи, «Шум бола» фильмидаги бир эпизодда тандир ичидан туриб

Абдураим Абдуваҳобов, 1963 йил 8 мартда (!) Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Буржи: Балиқ. Севимли таоми: Палов. Севимли машғулоти: Балиқ овлаш. Бўш вақтларини фарзандлари билан бирга ўтказишни хуш кўради. Ёқтирган машина маркаси: Мерседес - Бенц. Одамларнинг ёқмайдиган жиҳати: Алдоқчилик.
Оилали. Турмуш ўртоғи Гулнора билан Абдуқаҳҳор, Абдужаббор ва Дилдора исмли фарзандларини тарбиялаб вояга етказмоқда.

Абдураим АБДУВАҲОБОВ:

ЛАЗЗАТ АКА БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Халовни пақпақос тушираётганингизда «Лаззат» ошхонаси хаёлингизда бормиди?

- Албатта, йўқ. Ўзи аслида таом тановвул қилишни хуш кўраман. Айниқса, у таомларнинг сараси бўлса. Яна шуни айтишим мумкинки, болалигимдан таом пиширишни ёқтираман.

Қарангки, йиллар ўтиб «Лаззат» ошхонасининг бош ошпази бўлиб, халқимизга манзур бўлаётган лаззатли таомлар тақдим этаётганимдан бениҳоя хурсандман. Менинг асли исмим Абдураим. Бироқ ёшлигимда «Шум бола» бўлдим. Кейинчалик Абдулла, Куёв. Айни пайтда эса кўпчилик Лаззат ака деб чақирадиган бўлишди. Очиғини айтганда, исмимнинг ўзгаришидан сираям хафа бўлган эмасман. Сабаби, қилаётган ишларим, ўйнаётган ролларим элга маъқул бўлаяпти, шекилли, ўз исмим қолиб қаҳрамонларимнинг оти билан мурожаат этишади. Назаримда, ҳар қандай санъаткор учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ саодат бўлмаса керак.

Санъаткор учун энг ёмони эл назаридан тушиб қолиш деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб мухлисларимизга янги йилда «Лаззат» ошхонаси орқали ҳеч ким билмаган янги-янги таомлар, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган меҳмонлар билан янги ошхонада учрашиш ниятида эканлигимизни айтиб ўтмоқчи эдим.

- Болаликдаги шумликларингизни эслай оласизми ёки ҳаётдаги Қоравой бошқача бўлганми?

- Ростини айтсам, болаликда унчалик шум бўлмаганман. Фақат ҳар қандай вазиятда сўзимни ўз жойида ишлата билганман. Айни пайтда бу жиҳатдан Қоравойга ўхшашлигим бўлиши мумкин. Бироқ, «шумлик» томонидан ўхшашлигимиз йўқ.

- Ўзингизга жуда ҳам қадрли бўлган бирор нарсани бошқа кимгадир ҳадя этаолмасизми?

- Яхши савол. Умуман олганда, актёрлик касбидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳар бир актёр учун ўзи ўйнаган, ўйнаётган роли қадрли бўлса керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, баъзи актёрлар ўз ролини бошқа биров ўйнаш истагини билдирса эътироз билдиришади. Менда эса бу нарса йўқ. Агар бирор ҳамкасбим менга қадрли бўлган ролни ўйнаш истагида бўлса, мен бажонидил ўша ролни унга ҳадя этган бўлардим. Сабаби, ўша инсонни менга нисбатан бўлган ҳурмати, меҳрини сўндиришни истамайман.

- Ҳали ўйнамаган, бироқ бир умр ўйнашни орзу қилган ролингиз?

- Кўпчилик санъаткорлар «фалон ролни ўйнамоқчи эдим, бўлмади», дея афсус чекиб юришади. Мен эса табиатан очиқ инсонман. Шу ролни ўйнашим керак, деганим билан ё ўйнайман ёки йўқ. Ҳаммаси вақт билан, шунингдек тақдир билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам мен ўз орзуимни ўйнаётган ҳар бир ролимнинг ўзидан топишга, орзуимни ана шу рол орқали амалга оширишга ҳаракат қиламан.

- Ҳаётингизда, ижодий фаолиятингизда содир бўлган бирон қизиқ воқеани айтиб берсангиз?

- Ҳарбий хизматдалик чоғимда эҳтиётсизлик туфайли уч қаватли бино томидан йиқилиб тушганман. Яшашдан умидим бор экан, у ер-бу ерим лат еб, омон қолганман. Албатта, бунинг қандай қизиқлиги бор, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз.

Гап шундаки, шу чоққача киноларда баландликдан қулаётган киши албатта бақириб қулашини кўриб ҳайрон бўлардим. Нега бақираркин, деб. Мен худди шу саволга, амалда жавоб олдим. Нега бақириш кераклигини ўзимда синаб кўрганман.

- Сиз кутган ва биз бермаган савол.

- Мен «Ҳаётингиздан, оиланғиздан, касбингиздан, қилаётган ишларингиздан кўнглингиз тўладими?» деган саволни кутгандим.

- Шу саволга жавобингиз?

- Мен шундай даврда туғилганимдан хурсандман.

Сабаби, халқимиз, аждодларимиз орзу қилиб келган мустақилликни кўриш бахти менга ҳам насиб этди. Шоир айтганидек, «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор». Бунинг устига худди ана шу истиқлол туфайли театр санъатининг ривожланаётгани, санъатга бўлган эътибор ортиб бораётганини кўриб, ҳис этиб яшаяпман.

Мени ҳар доим дуо қилиб, Оллоҳдан ишларимнинг ривожини тилаб тургувчи волидам ёнимдалигидан, оилам, фарзандларим борлигидан, ҳар қандай вазиятда улар мен учун суянч эканлигидан ҳамиша мағрурланаман. Менимча, бир инсонга шунча бахт етади.

- «Ҳуқуқ» мухлисларига Янги йил тилакларингиз?

- «Ҳуқуқ» мухлисларига, қолаверса, бутун ўзбек халқига тилагим - бу йилда эриша олмаган орзулари янги йилда ушалишини, ҳаёт йўлида, қилаётган ишларида тўхтаб қолмасликларини, нимани олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар барчасига эришишларини тилайман. Улуғ кунлар, муборак Рамазон ойида турибмиз. Бутун халқимизга соғлиқ, яратгандан омонлик тилаб қоламан. Фурсатдан фойдаланиб, менга нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам маслаҳатгўй бўлиб келаётган севимли устозларим, Ўзбекистон халқ артисти Турғун ака Азизов ва Минаввар опа Абдуллаеваларни ҳам остона қоқиб келаётган янги 2000 чи йил билан шахсан ўзим, шунингдек, барча шогирдлари номидан чин юракдан қутлайман. Шахсий ҳаётларида, ишларида ҳамиша бахт ва омад йўлдош бўлишини тилаб қоламан.

- Раҳмат. Ўз навбатида биз ҳам сизга барча эзгу тилакларни билдириб қоламиз.

Суҳбатдош: Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ



«ШУМ БОЛА»НИНГ БИСОТИДАН

Ўқитувчи 6-синфда ўқийдиган Аҳмаджоннинг адасини тўхтатиб, деди:

- Ўғлингиздан ҳар хил ҳидлар келади. Бундай қараб қўйсангиз бўлмайдими?

Аҳмаджоннинг адаси пинагини бузмай:

- Сиз менинг ўғлимни ҳидламанг, ўқитинг, - дермиш.

***

Шермат ака пахса ураётса, қўшниси чиқиб «Шермат ака, ҳорманг» дейиш ўрнига «Ҳормат ака, шерманг» дебди. Шермат ака ҳам, унга «Топган гапингни қара» дейман деб, «Гапган топингни қара» дермиш.

***

Аёл эридан сўрабди:

- Дадаси, менга неча ёш берасиз?

Эри:

- Кўзингга қарасам 18 ёш, лабингга қарасам 24 ёш. Ҳаммаси бўлиб 54 ёш.

Янги йил ҳангомалари

БИЗ ҲАЛИ КЎТАРИЛМАДИК

Типратикан янги йил арчасининг тагига бир шиша ароқни яшириб, ёзиб қўйди «Бу ерда ароқ йўқ».Арча ёнидан ўтиб кетаётган қуён ёзувга кўзи тушди...

Сал ўтмай қайтиб келган типратикан ароқ яшириб қўйган жойида бошқа бир ёзувни ўқиди: «Ароқни қуён олгани йўқ».

***

Янги йил карнавалида бошловчи:

- Бугунги «Ниқоблар» танловимизда биринчи ўринни 3-қатор, 8-жойдаги «Бадбашара» ниқоби эгаллади.

Залдан овоз келди:

- Эй, охир мен танловда иштирок этганим йўқ-ку!

***

Янги йил кечаси. Бир киши қўлида икки шиша ароқ билан, ғирт маст ҳолатда қабристон ёнидан ўтиб кетмоқда. Шу пайт унинг кўзларига тўғрисида турган қизил рангли шарпа кўринди.

- Кимсан?

- Мен қизил арвоҳман. Кел, яхшиси ичамиз.

Улар биргаликда бир шишани бўшатиб, ажралишди. Ҳалиги киши озгина юргач, рўпарасида қандайдир яшил шарпа пайдо бўлди.

- Кимсан?

- Мен яшил арвоҳман. Кел, ичамиз.

Иккинчи шиша ҳам йиқилди. Йўловчи йўлида давом этди. Энди эса қаршисида зангори ранг пайдо бўлди.

- Ҳа, мен сени танийман. Сен зангори арвоҳсан, қабрдан чиққан...

- Зангори, қанақа яна зангори... Қани ўртоқ, мен билан юринг-чи...

***

Адвокат ҳузурида:

- Сиз қанча ҳақ оласиз?

- 3 саволга 1000 сўм.

- Шунча қимматми?

- Ҳа. Учинчи саволингиз қанақа?

***

Учувчи ёрдамчисига қараб:

- Парашютчиларга айтсангиз, сакрашни баҳс қилишсин. Биз ҳали кўтарилмадик...

***

Сартарошхонада. Мижоз сартарошдан сўраяпти:

- Уста, қўлингиз бунча кир. Уста хижолат бўлиб:

- Шундай бўлиб қолди. Бугун ҳеч кимнинг бошини ювмадим.

***

- Айтингчи, Иванов ростдан ҳам вафот этдими?

- Ҳа...

- Ўзим ҳам ўйловдим-а, бу нимага тобутнинг ичига ётиб олибди, деб...

• *Байрам ҳангомаси*

БИР ҚАДАМ ҚОЛГАН ЭДИ

Эртага Янги йил деган кун эди. Байрамни кўнгилдагидек кутиб олиш учун хотин бир қулоч келадиган рўйхатни қўлимга тутқазди. Иш куними, иш куни эмасми, хотинларга барибир. Айтганини ўша куни топиб келмасанг балога қоласан. Иш пайтида бозорга тушиб бўлмайди, хўжайиннинг феъли ёмон. Шунинг учун бугун саҳармардондан йўлга чиққанман. Лекин вақтли чиққаним бир пул бўлди. Автобусдан дарак йўқ. Эҳтимол, автобусчи ҳам саҳармардондан бозорга тушган бўлса керак. Такси-пакси қилай десам, чўнтакдаги саноқлик.

Ҳуноб бўлиб турсам, бир такси «ғийқ-қ» этиб олдимга тўхтади. Ҳайдовчиси эпчилгина йигит экан, шартта мошиндан тушиб: «Кўринишингиздан бир жойга шошаётганга ўхшайсиз. Қани, ўтиринг, ўзим обориб қўяман», деди мазират қилиб.

- Энди, ука, биздақаларга такси миниш... - дедим мижғовланиб.

- Эй, ака, қизиқ одам экансиз-ку, - деди кўлини кўксига қўйиб. - Пул одамдан азизми! Текинга ҳам обориб қўйишим мумкин.

Мардга мард бўлиб, таксига ўтирдим. Ҳаял ўтмай манзилга етиб бордик. Чўнтакдан битта «юзталик» чиқариб, йигитга узатсам, елка қисди.

- Ака, бунақа катта пулга қайтимим йўқ. Агар майдангиз бўлмаса, хижолат чекманг, кейинги сафар тўларсиз, - деди табассум билан.

- Хижолатга қўйманг, - дедим чўнтагимдан ямоқли ва ямоқсиз бир даста майда пул чиқариб. - Қанча бўлади?

- Бир сўм берсангиз бўлади, - деди у бепарволик билан.

Ҳурсанд бўлганимдан, қошу кўздан садақа деб, битта уч сўмликни бериб кетаётган эдим, у йўлимни тўсди.

- Ака, менга ортиқча пулингиз керак эмас, - деди иккита бир сўмликни узатиб. - Мана буни олиб қўйинг! Янги йил арафасида одамни хафа қилдингиз-да!

Бу ҳолга ажабланиб, ишхонага кириб кетдим... Энди иш столимга ўтирган эдим, хўжайин олдимга келиб қўлимни олди ва Янги йил билан табриклади.

- Эртага Янги йил, - деди самимий оҳангда. - Биламан, келин бола катта рўйхат қилиб берган. Байрам дастурхонига у-бу харид қилиш керак. Бемалол иш вақтидан фойдаланиб, бозорга тушиб келаверинг! Бу ҳаммамизнинг бошимизда бор савдо!..

Нима дейишимни билмадим. Ахир, ишга озгина кечикиб келсак ёки йўлакда «перекур» қилиб турганимизни кўриб қолса, ҳайфсанни ёқамизга ёпиштирадиган одам, бугун умуман бошқача...

Рўйхатнинг тепасида «гўшт» турибди. Нима қилиш керак? Бозорники қимматлигини свежий, свежий еса, масза қилади одам. Бу сабил ҳам тез бузилади, креми кўп.

Уялиб кетдим. Иккитасини олиб дўкондан чиқдим. Рўйхатдаги нок, узум, қовун, анор деганларининг усти чизилган, фақат «олма» турибди. Қурмагур хотин ҳаммасини қалаштириб ёзган-у, кейин пулнинг чўғини кўриб, фикридан қайтган.

Бозорда олмафурушлар ўраб олишди. Биттаси «мана бу олмани олинг, икки сўмдан» деса, биттаси «олмага қаранг, уч сўмдан» дейди. Мен «донасими» десам, улар «икки килоси» дейди. Бундай қарасам, чеккада бир йигит қўлини кўксига қўйиб, мени имлаб турибди.

- Тўрт килосини бир сўмдан бераман, - деди жилмайиб. - Бизга деҳончилик, баъзи бир олиб-сотарларга ўхшаб, икки килосини бир сўмдан сотмаймиз. Инсоф сари барака, деган гап бор, ака. Қани, тортайми?

- Олти килосига бир сўм бераман, - дедим савдолашган бўлиб.

- Паст кетманг, - деди йигит. - Ҳали ҳам пулингиз ўзингиз билан кетяпти...

Ўзи ҳамма нарса арзон экан, усти чизилган нок, узум, анор, қовун деганларини ҳам бор-йўғи тўрт сўмга олдим. «Энди болаларга битта Арча олсам, буёғи - Арча байрам» деб арча сотаётганларнинг олдига бордим.

- Танланг, амаки, ўраб бераман, - деди кўғирчоқдек кўзлари ўйнаб турган қиз.

- Аввал нархини билайлик, - дедим бармоқларимни ишқалаб.

- Сиз учун метири бир сўмдан, - деди қизча совқотган оёқларини бир-бирига уриб. Арзон экан, деб уч метрлигини танладим, лекин «уйга қандай олиб кетаман», деб қайтиб жойига қўйган эдим, фикримни қизча сезди чоғи: - Олинг ўшани! Ана, махсус мошина бор, уйингизни адресини айтсангиз ўзлари обориб беришади, - деди...


Чўнтагимга қўл солсам, дунёни нарсасини олсам-да, анча пул тежабман. «Эртага улфатлар билан тоза отадиган бўлдик-да. Ўзи бу харидларимни хотиним кўрса, ўзини таппа ташласа керак», деган хаёллар билан йўлга тушдим. Бир сўмга таксида етиб олиб, зинадан кўтарилаётган эдим, кимдир елкамга қўл ташлади.

- Туринг, дадаси, соат ўн икки бўляпти, - дея хотиним елкамдан туртди. - Янги йил кирди!

- Озгина сабр қилганингда шоҳона дастурхонда Янги йилни кутиб олардинг, - дедим жаҳл қилиб. - Эшиккача бир қадам қолган эди-я!

Илҳом ЗОЙИР

• *Кроссворд*



Бўйига:


1. Арабистон ярим оролидаги давлат. 2. Кучли совуқ шамол. 3. «Шайтанат» романи қаҳрамони Зелихоннинг лақаби. 4. Россиядаги мухтор жумҳурият. 5. Республикамиздаги вилоят. 6. Бобурий ҳукмдорлардан бири. 9. Олтой ўлкасининг пойтахти. 10. Оёқ кўлнинг тортишиб қолиш ҳолати. 11. Германиянинг энг кучли футбол жамоаси. 15. Италиядаги порт - шаҳар. 17. Ранг тури. 20. Публицистика жанри. 22. Катта. 23. Таянч ёғоч. 24. Ёзув қуроли. 26. Ҳашорат. 28. Инсоннинг тарихан шаклланган (ранги, тузилишига қараб) гуруҳлари. 30. Улуғвор савлат. 31. Азоб, жабр. 33. Ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган ёнувчи фойдали қазилма. 34. Қурол-аслаҳа омбори. 35. Газ қонунларидан бирини кашф қилган италян физиги ва кимёгари. 37. Механиканинг жисмлар ҳаракатини ўрганувчи бўлими. 39. Экваторнинг икки томонидаги чўл-биёбонлар. 40. Ютиладиган дориларнинг ғилофчаси. 43. Қандолат маҳсулоти. 44. Оғирлик ўлчови.

Энига:

7. Дунёдаги энг серсув дарё. 8. Ўсимликлар ҳақидаги фан. 12. Имзосиз хат. 13. Танбеҳ, койиш. 14. Европадаги давлат пойтахти. 15. Келишув, шартнома. 16. Таом солинадиган идиш. 18. Кавказда яшовчи миллат. 19. Нашр этувчи. 21. Жисмнинг майдаланган зарралари. 25. Кулгили кичик ҳикоя. 27. Миржалол Қосимов тўп сураётган футбол жамоаси. 29. Спорт тури. 30. Республикамиздаги ёшлар эстрада гуруҳи. 32. Ажойиб, ғалати. 35. Ҳиндистонлик машҳур шахматчи. 38. Африкадаги давлат пойтахти. 40. Пойга. 41. Эшиттирувчи восита. 42. Олий лига футбол жамоаси. 45. Ҳаққонийлик, ҳаққоният. 46. Суд ҳужжати. 47. Уйнинг келинчак учун «тилло» қисми. 48. Харбий кучларнинг илғор қисми. 49. Сув остида нафас олиш имконини берувчи аппарат.

Тузувчи: З.ҲАСАНОВ

• *Удумлар*



ЯНГИ ЙИЛ ШАРҚДА ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

Баъзи Шарқ мамлакатларида Янги йил ой календари бўйича, яъни 31 декабрда эмас, балки январнинг охири ёки февралнинг дастлабки кунларида нишонланади. Хитойликлар, вьетнамликлар, японлар ва корейсларда биринчи янги ойнинг янги ой чиққан куни Янги йил байрами нишонланади ва у баҳор келганидан дарак беради.Шу туфайли Янги йилга кўплаб гул бозорларида биздагидек арча эмас, балки баҳор келганини билдирувчи шафтоли новдаларини сотишади.

Янги йилга тайёргарлик ҳамма жойдаги каби, байрамдан анча олдин бошланади. Икки ҳафта олдин гавжум майдонларда байрам бозорлари очилиб, бу ерда турли-туман ўйинчоқлар, юлдузчалар, турли шаклдаги - балиқ, аждаҳо, от, қуш кўринишидаги фонарларни сотиш ва ё харид қилиш мумкин бўлади. Бу антиқа шакллар орасида шамлар ёқилади. Бу куни кўп миқдорда хамирдан ясалган ўйинчоқлар сотилади. Отга минган чавандозни, ҳашамдор кийинволиб эшкак эшаётган қайиқчилар, хамирдан ясалган гўзал нилуфар гуллар, ҳайвон ва қушлар шаклларини учратиш мумкин. Лойдан ясалган ҳайвон ва одам шакллари ҳам тайёрланади.

Вьетнамда Янги йилга албатта янги шляпа сотиб олиш керак. Янги йил бозорларида истаганча фасон ва ранглардаги шляпалар, ҳатто тирик зоғорабалиқ ҳам сотилади.

Вьетнамликлар тушунчасига кўра, зоғорабаликда оила ўчоғининг руҳлари осмонга кўтарилиб, Олий хоқонга ўтган йилда оиланинг ҳар бир аъзоси ўзини қандай тутганини гапириб беради. Маълум бир кунда руҳлар тасвири олдида хушбўй таёқчалар ва шамлар ёқилади, ширин таомлар қўйилади. Ширинлик қўйилишига сабаб руҳларнинг лаблари ёпишиб қолиб, осмонда оила аъзолари ҳақида ортиқча гапларни айтмасин, дейишади. Кўрпсизми, Янги йилни байрам қилиш ҳам бутун бошли расм-русум.

Шляпаларга Шарқда алоҳида муносабат мавжуд. Бу ерда шляпа хукмронлик рамзи ҳисобланади ва катта амалдорларнинг зарурий буюми саналади. Шарқда Янги йилни нишонлаш билан ўтадиган тантанали маросимлар маълум бир маънога эга бўлади. Масалан, байрам арафасида барча катта шаҳарлару кичик қишлоқларда мушакларнинг қарс-қурси тинмайди. Улар бу билан ёвуз руҳларни байрамни бузмаслиги учун қувишади.

Янги йилни нишонлаш одатда бир неча кун давом этади. Иккинчи куни қариндошлар, ота-оналарни албатта зиёрат қилинади, учинчи куни эса ўқитувчи-устоз уйига бориб уни қутлашади.

Янги йилнинг биринчи кунларида оқ рангдаги либосни кийиш (Шарқда бу мотам ранги ҳисобланади), ўлим ҳақида гапириш мумкин эмас, маймунга ўхшаб муқом қилмаслик, ахлат ташламаслик зарур бўлади.

Хориж матбуотидан



Изоҳ Сиздан

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг ўтган сонидаги «Охири бахайр бўлмади» мақоласида ажратиб берилган «ЖКнинг 227- моддасидан» деган жумла «ЖКнинг 277-моддасидан» деб тузатиб ўқилсин.

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Я.Ғуломов кўчаси,66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Бўриташ Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Мэлс Наимов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев

Наабатчи: Н.МАҲМУДОВ

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.САИДОВ бажарган

«Ҳуқуқ» оригинал макети

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.

Бичими А-3. Нусхаси-12949. Буюртма Г-1035.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди

Босмахонага топшириш вақти: 20.00. Топширилди: 17.17.

1 2 3 4 5 6 7 8 9

Сотувда эркин нархда